




100 китоб
тўплами

ЗАЙТУН ЕТИШТИРИШ



62-китоб

AGROBANK

100 китоб тұплами

ЗАЙТУН ЕТИШТИРИШ

62-китоб



УЎК 634.63
КБК 42.8
3 22

Лойиҳа ғояси муаллифи ва ташкилотчи: "Агробанк" АТБ

Тузувчилар:

Х.Т. Юлдашева – Андикон қишлоқ ҳўжалик агротехнологиялари институти Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва қадоклаш технологиялари кафедраси доценти

С.А. Юнусов – Тошкент давлат аграр университети, Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси қ.х.ф.д

Такризчилар:

М.М. Якубов – Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти "Мева экинлари агротехникаси ва интенсив боғдорчилик" бўлими мудири қ.х.ф.н

Лойиҳа иштирокчилари: У.Ф. Файзулаев, М.С. Ҳайитбоев.

Мұхарріп: Г.А. Чоршанбиева – Шарқшунослик университети таржимашунослик ва халқаро журналистика кафедраси ўқитувчиси, таржимон.

Ушбу қўлланма "Агробанк" АТБ муассислигига тайёрланди ҳамда нашр эттирилди. Билдирилган фикр-мулоҳаза, хуоса ва тавсияларга тузувчи муалифлар масъулdir.

Ижтимоий лойиҳалар билан аграр соҳага сармоя киритиш доирасида "Агробанк" АТБ томонидан 100 та китобдан иборат қўлланмалар тўплами тайёрланди. Тўпламда қишлоқ ҳўжалиги соҳаси, жумладан, мева-сабзавот ва полиз экинлари, ғаллачилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик каби тармоқларнинг энг илфор тажрибаларига оид ривожланган давлатлар ва юртимизда эришилган кенг қамровли илмий ва амалий маълумотлар қамраб олинган.

Тўплам мазкур йўналишдаги биринчи нашр бўлиб, келгусида ушбу лойиҳани давом эттириш мақсадида билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида янада бойитиб бориш кўзда тутилган.

Қўлланма соҳа мутахассислари, фермерлар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

Ушбу қўлланма "Агробанк" АТБ тұхфасидир

ISBN 978-9943-7171-8-3

© "Агробанк" АТБ – 2021
© Нашриёт уйи "Тасвир" – 2021
© "Colorpack" МЧЖ – 2021

| МУНДАРИЖА

Кириш.....	7
Зайтуннинг фойдали хусусиятлари.....	9
Зайтуннинг морфо-биологик хусусиятлари.....	11
Зайтун навларининг тавсифи.....	16
Зайтун кўчатини етиштириш.....	19
Зайтун боғини барпо этиш.....	24
Буташ.....	28
Ўғитлаш.....	33
Суғориш.....	35
Касаллик ва заараркунандаларга қарши кураш.....	37
Зайтун мевасини териб олиш ва қайта ишлаш.....	40
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	44

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартағи ПҚ-4246-сон «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжаллаган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида янги мевали боғларни ташкил этиш ва эскиларини қайта қуриш вазифалари алоҳида белгилаб берилган.

2020 йилнинг 1 июль куни Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазири Жамшид Ходжаев бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси Халқаро зайдун кенгаши (ХЭК) нинг видеоконференция шаклидаги 111-сессия ишида кузатувчи мақомида иштирок этди.

ХЭК 1959 йили ташкил этилган. Штаб-квартираси Испания пойтахти Мадрид шаҳрида жойлашган. Бугунги кунда 44 мамлакат мазкур ташкилотга аъзо бўлиб, ушбу мамлакатлар зайдун ишлаб чиқарувчиларнинг 98 фоизини ҳамда зайдун ва зайдун мойи савдоси бозорининг 80 фоизини қамраб олади. Ҳозирги пайтда Евротифоқнинг барча мамлакатлари, шунингдек, Албания, Жазоир, Аргентина, Буюк Британия, Миср, Грузия, Исройл, Иордания, Эрон, Ливан, Ливия, Марокаш, Фаластин давлати, Тунис, Туркия, Уругвай ва Черногория ташкилотнинг аъзолари ҳисобланади.

Ташкилотнинг асосий вазифаси ташкилотга аъзо давлатларга зайдун саноатини ривожлантиришда кенг молиявий ва техник ёрдам кўрсатишdir.

Хозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси мамлакат учун янги саноатни ривожлантиришни қўллаб-куватлаш мақсадида Халқаро зайдун кенгашига тўла ҳукуқли аъзолик масаласини кўриб чиқмоқда.

Йиғилиш давомида XЗК мамлакатлари, хусусан, Грузия, Туркия, Истроил, Миср, Ливан, Аргентина, Уругвай ва ЕИ мамлакатлари Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот ишидаги ташаббуси ва қизиқишини самимий қўллаб-куватладилар ҳамда амалий ёрдам беришга ва зайдунчиликни ривожлантиришда тажриба алмашишга тайёрликларини билдирилар.

Бугунги кунда дунё бўйича етиштирилаётган зайдун дараҳтларининг миқдори қарийб 750 миллиондан зиёд булиб, унинг 95 фоизи Ўрта Ер денгизи худудида жойлашган. Зайдун маҳсулотларини етиштиришнинг 93 фоизи Испания, Италия, Греция каби Европа мамлакатлари улушига тўғри келади. Дунёда энг йирик зайдун боғлари Испаниянинг Жаен вилоятида бўлиб, у ерда 300 миллиондан ортиқ зайдун дараҳтлари мавжуд.

Республикамизда бугунги кунда зайдун боғларини барпо қилиш асосида ушбу қумматли мева турини мамлакатимизнинг үзида етиштириш мақсадида унинг чидамли навларини интродукция қилиш, навларнинг морфо-биологик ва ҳўжалик хусусиятларини ўрганиш асосида энг мақбул на муналарни танлаш, муайян навга хос жадал кўпайтириш ва агротехника элментларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ушбу қўлланмада зайдун етиштириш ва дараҳтларни парваришилаш технологияси ҳақида маълумотлар берилган.

I ЗАЙТУННИНГ ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Зайтуннинг хўжалик аҳамияти шундан иборатки, унинг меваларидан қимматли зайтун мойи олинади, мева таркибида мазкур мой қарийб 44-72% ни ташкил этади. Зайтун мойи бошқа ўсимлик мойларига нисбатан инсон организмида тўлароқ ҳазм бўлиши билан бирга, шифобахшлик хусусиятига ҳам эгадир.

Абу Али Ибн Синонинг машҳур «Тиб қонунлари»да өзилишича, зайтун табобатда ички ва ташқи юмшатувчи, оғриқ қолдирувчи ва атеросклерознинг олдини олевчи восита сифатида қўлланилади, Шунингдек, зайтун мойи жигарнинг секретор фаолияти ва овқат ҳазм қилиш аъзоларига ижобий таъсир кўрсатади. Зайтун баргларидан тайёрланган дамлама қон босимини пасайтириши тўғрисида кўп ёзилган ва ундан кўпгина бошқа касалликларни даволашда ҳам фойдаланилган.

Зайтун мевалари энг сифатли, ҳазм бўлиш хусусияти жуда юқори, таркибида инсон организми учун заарли моддалар булимаган шифобахш мой беради. Зайтун мойи истеъмол мойи сифатида таъмининг хушбўйлиги, дориворлиги билан биринчи ўринни эгаллайди. Бу мой шифобахш камфора ва витаминли эритмалар, турли хил хушбуй ҳидли атиргулар тайёрлашда ишлатилади.

Ўрта Ер денгизи мамлакатларида яшайдиган халқларда юрак қон томир касалликлари деярли кам учрашининг сабаби, аҳолининг асосан зайтун мойини истеъмол қилишидадир. Зайтун мойининг таркиби 80% тўйинмаган ёғ кислоталари – олеин (75%), линол (13%) ва линолендан

(0,55%) ташкил топған бұлиб, бу моддалар организмда холестерин даражасини камайтиради. Зайтун мойи таркибида витаминлар А, Д, К, Е, F ва полифеноллар мавжуд. Бу моддалар атеросклероз, саратон (рак) касаллукларини камайтиради ва хужайраларнинг қариш жараёнини кечикириб, тери қаватини тиклайды. Зайтун мевасида 25% дан 80% гача мой, баргларида 0,04% эфир мойлари бұлади. Зайтуннинг яшил (пишмаган) мевалари таркибида углеводлар, оқсиллар, пектин, күл моддалар, сапонинлар, калий, фосфор, темир тузлари, В ва С витаминлари ҳамда каротин мавжуд. Буларнинг барчаси ошқозон-ичак ва жигар ишини яхшилайды. Бу меванинг мойидаги ёғ ҳамда клетчаткаси организм томонидан яхши ўзлаштирилади, ошқозондаги кислота концентрациясини пасайтиради ва ошқозон яраси ҳамда гастритдан ҳимоя қиласы. Зайтун мойи ичаклар, ошқозон ости бези ва жигар ишини яхшилайды ҳамда үт халтасида тошлар пайдо бўлишининг олдини олади. Кальцийнинг шиддат билан сўрилиши суюкларнинг усишини кучайтиради, қон босимини яхшилайди, кўкрак безлари, тухумдонлар ва йўғон ичак саратони каби касаллуклар зайтун истемол қилиб борилганда йўқолиб боради. Бу ўсимлик меваси радиацияга қарши профилактик восита сифатида астронавларнинг овқат рационига киритилган. Зайтун мойи эркин радикалларни нобуд қиласы ва организмни гиалурон кислотаси билан таъминлайди.

Зайтуннинг энг муҳим хусусиятларидан бири унинг мойи таркибидаги сквален бўлиб, сквален ўсимликнинг ягона манбаси ҳисобланади ҳамда диабетга қарши профилактик бўлиб, қондаги глюкоза миқдорини 12% гача туширади. Ошқозон-ичак шамоллашларига, кимёвий суюқликлар билан заҳарланганда ёки куйганда ҳамда турли арилар ва

бошқа ҳашаротлар чаққанда зайтун мойини суриб қўйиш көрек. Барглар таркибида гликозидлар, органик кислоталар, флавоноидлар ва танинлар бўлади. Баргларидан тайёрланган дамламалар гипертоник касаллукларига, атеросклерозга ва семиришга қарши профилактик воситадир.



■ | ЗАЙТУННИНГ МОРФО-БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Зайтун (*Olea europaea*), (маслина ёки олива) мойли ўсимликлар грухига киради. Бугунги кунда ер шаридаги мамлакатларда зайтуннинг 60 га яқин тури мавжуд. Улардан биргина тури – Европа зайтуни (*Olea Europaea*) хўжалик аҳамиятига эга.

Зайтун дунёning субтропик ва мұтадил иқлими кўпгина мамлакатларида етиширилувчи қимматбаҳо, сердаромад мәданий экин тури ҳисобланади. Зайтун дарахти 500 йилдан

4000 йилгача яшайдыган, доимий яшил бўлиб, узоқ яшовчи ва секин ўсувчи субтропик дараҳт ҳисобланади. Зайтун дараҳтининг баландлиги 10-12 метрдан ошмайди.




1-расм Зайтуннинг морфологик тузилиши

Зайтун құчатлари экилганининг 3-йилида мева ёки нишона құрсатишни бошлайди. Құчатлар яхши бўлса, албатта, 3-4 йиллик құчатлар мева ҳосил қиласади.

Зайтун, зайтундошлари оиласига мансуб кўп йиллик үсимлик, ҳозир Сурия, Истроил ва Корсика мамлакатларида 2000 йилдан зиёд умр кўрган дараҳтлари мавжуд. Мұътадил иқлими мамлакатларда узоқ яшайди. Илдизлари попук илдиз бўлиб тупроқда 70-80 см, айрим илдизлари 2,0-2,5 м чукурликкача кириб боради, бўйининг баландлиги 6-8, айримлари 10-12 м га етади, кўпинча бутага үхшаб бир неча поя ҳосил қиласади, кўп шохлайди.

Барглари. Барглари новдада қарама-қарши жойлашиб, устки томони кумушсимон ялтираб турса, орқа томони яшил ранѓда, узунчоқ ланцетсимондир. Зайтун баргининг ранги оч яшил бўлиб, новдада қарама-қарши жойлашган, барг тўқималари таркибида эфир мойи, лактон-эленолид, фитостерина смолалар ва бошқа моддалар борлиги аниқланган.



2-расм. Зайтун баргининг тузилиши

Баргнинг ости қисмининг ранги эса кумуш (кулранг) ранг булиб, у оқ туклар билан қопланган. Баргдаги ушбу туклар күруқ ҳавода баргнинг ўлишига тўсқинлик қилади. Қисқа банди билан новдада қарама-қарши жойлашган булиб, қишида бошқа баргларга ўхшаб тўкилиб кетмайди, баҳорда март ойининг оқирларида аввал бир дона барг ҳосил булиб кейин эски барг түслилади. Зайтун дараҳти барглари мутлоқ тўкилиб яланғоч булиб қолмайди, қишида ҳам баргларини сақлаб қолгани учун экологик тоза дараҳтлар турига киради. Чунки ўсимлик йил бўйи кислород ишлаб чиқиш имконига эга. Барглар ҳар икки ёки уч ийлда чиқиш жойини ўзgartириб туради.

Гуллари. Икки жинсли, барг қўлтиғида роваксимон ҳолда булиб, бир рўвакда 8-42 тагача гул жойлашади. Гултожи барглари 4 та, оталиклари 2 та, оналик тугунчаси битта, апрель

оининг охири, май ойи бошларыда, баъзан майнинг охири, июнда гуллайди. Зайтун гуллари оқиш қаймоқ ранг булиб, шингил шаклида, шингилнинг ҳажми кичикдир. Гулнинг хушбүй ҳиди булиб, дараҳт ёнига келса, киши димогига ёқимли ҳид урилади. Гуллар баргларнинг остидан чиқади. Гуллар бир йил олдин үсган новда ва шохчаларда ҳосил бұлади. Зайтун гули икки уйлидир. Бириңчи хил гуллари үз морфологик белгиларида әркак ва урғочи гулларни әслатувчи белгини ифода этған гермофродит гуллар.



3-расм. Зайтун гулининг тузилиши

Иккинчиси эса әркак гуллар, үсимликнинг урғочи гуллари йўқ. Ушбу хусусиятни гул тузилишини диққат билан кузатганда кўз билан кўриш мумкин.

Зайтун уруғ тугунчалари кичкина, аммо кўзга яққол ташланади. Одатда гулларнинг ҳар бирида бир мева ҳосил бұлади. Гуллари уруғланганидан сўнг секин уруғ тугунчаси катталашади ва бошқа үсимликларга ўхшаб мева тугади. Уруғланган гул тугунчаси бошқа дараҳтлар гул тугунчасидан бир оз фарқ қиласи. Гул тугунчасининг ҳар бирида икки донадан кичик уруғланган тугунчалари булиб, улардан биттаси ҳосил беради, яъни уруғланган барча гуллар мева ҳосил қиласи.

Зайтун мевалари. Зайтуннинг меваси чўзиқ овалсимон булиб, навларига қараб мевасининг вазни ҳар хил бўлади. Ўзитуннинг навлари, турлари жуда кўп, биргина Испанияда ўзитуннинг 260 дан зиёд тури бор. Айрим навлари кичик мева ҳосил қиласди, уларнинг вазни кичик булиб 240-250 донаси, айримларида 80-90 та меваси бир килограмм бўлади. Меваси данакли, данаги ўта қаттиқ, чақилмайди, мой мевасининг этида бўлади. Сентябрь ойларида мевалари тўқ ўшил тусда бўлса, октябрь ойи охирида меваси қора рангга сиради. Усти мумсимон ғубор билан қопланган. Думалоқ шакидаги меваларда мой кам бўлади, улар асосан истеъмол учун, чўзинчоқ мевалари мой берувчи бўлади. Бир туп ўсимлик 50-60 кг ўртача, айрим туплари 80-100 кг гача мева беради.



4-расм. Зайтун мевалари

Зайтун мевалари кузга бориб пишиб етилади. Ҳўл мевалари таркибида аччиқ глукозидлар бор эканлиги учун мутлақ ейилмайди. Консервалаш учун ҳам пишмаган яшил рангдаги мевалари танлаб олинади. Консервага баъзан жигарранг тусдаги ёки тўқ-қизил рангдагилари ҳам танлаб олинади. Зайтун мевасининг ҳажми 1,5-2,0 см бўлиб, этининг орасида қаттиқ уруғи бор.

Мевалари олдин ёш пайтида довча бўлиб, яшил тусда, кейин тўла пишиб етилганида унинг яшил ранги қора ёки тўқ жигаррангга ўзгаради. Зайтун дараҳти одатда ўзимизда ўсадиган кўпгина ўсимликларга ўхшаб бир йил яхши ҳосил берса, кейинги йили оз мева қилиши мумкин.

■ | ЗАЙТУН НАВЛАРИНИНГ ТАВСИФИ

Аттұфааҳий – Олмасимон нав. Бу нав – зайтуннинг навлари ичидә ҳажм жиҳатидан энг каттаси, пўсти юпқа ва юмшоқ. У сақлаш ва тузлаш (ачитиш)га чидамсиз. Мой миқдори меваларидаги 5-7% дан оз. Мева ранги пишиб етилишидан олдин оч яшил. Пишиб етилганидан сўнг яшил. Меваси катта узун. Мой миқдори кўп, у август ва сентябрь ойларида пишиб етилади.

Ал-ажиз ал-ақсо – унинг меваси Ал-аъжизий ашшамийга ўхшайди. Лекин ундан ҳажм жиҳатидан кичкина. Унинг меваси яшил ва қора тузлашга ярайди (яъни зайтун тўлиқ пишиб етилишидан аввалги тузлаш яшил тузлаш, тўлиқ пишгандан кейинги тузлаш эса қора тузлаш дейилади). У сентябрь охирлари ва октябрь бошларида пишиб етилади.

Ал-ватикан – меваси ўртача ҳажмда. Уруғи силлик ва унинг мевасида эти ёки гүшти нисбатан озроқдир. Уруғларида (19-23%) мой миқдори мавжуд. Яхши тузланади. Узоқ муддат сақлашга яроқли, бу навнинг дараҳтида мевалар кўп ҳосил бўлади, меваси сентябрнинг охири ва октябрь ойининг бошларида пишиб етилади.

Манзанилуу – ўртача катталикдаги мева. Шакли нисбатан думалоқча ўхшаш. Бир дона мевасининг оғирлиги 5 г дан 6 г гача бўлади. Уруғдаги мой миқдори 16-20%,

меваси яшил ва қора тусда бўлиб, тузлашга яроқли. Унинг уруғида гўшти кам, силлиқдир. Сентябрь-октябрь ойларида мевалари пишиб етилади.

Каламата – ўрта ҳажмдаги узунчоқ мева. Вазни 3 г дан 5 г гача. Уруғи гўштсиз силлиқдир. Унда ёғ микдори баланд (18%). Қора рангда тузлаш учун ишлатилади.

Мийш – мевасининг ҳажми юқоридаги навлардан кичикроқ (уртacha ҳажмда). Узунчоқ бўлиб, унинг вазни 4 г дан 6 г гача. Уруғи гўшт билан қопланмаган, мой микдори 15-20%. Тузлашнинг иккала турида ишлатилади. У сентябрдан октябрь ойигача пишиб етилади.

Куратина – ўрта ҳажмдаги мева. Мой микдори 17-21%. Меваси тузлаш учун яроқли. Сентябрь ва октябрь ойларида пишиб етилади.

Лийшу Увил Курну – мевалари ўрта кичик вазнидир. Вазни 2,5 г. Уруғига мева эти ёпишмаган ёки гўшт билан қопланмаган силлиқдир. Мой микдори 18-24%. Асосан мой олиш учун ишлатилади. Меваси сентябрь ва октябрь ойларида пишиб етилади.

Кузалийфа – меваси катта ҳажмда. Уруғи меваси вазнига нисбатан кичик. Мой микдори 26-31%. Сермаҳсул. Мой олиш ва тузлаш учун яроқли. Меваси сентябрь ва октябрь ойларида пишиб етилади.

Изумруд – бўйининг баландлиги 6-8 м, кулай шароитда 10-12 метргача етади. Кўпинча бутага ўхшаб бир неча новдалар ҳосил қиласида ва ён шохлари кўп бўлади. Барглари новдада қарама-қарши жойлашган, устки томони тўқ яшил бўлиб, ялтирок, орқа томони яшил-кумушсимон рангда, узунчоқ ланцетсимон, ранги оч яшил тусда булиб, узунлиги 4,0-4,5 см гача, эни 2,0-2,5 см келади. Баргнинг остиқи қисмининг ранги оқиш кумушсимон булиб, оқ туклар билан қопланган.

Inv № ⚡ 33374.

Баргдаги ушбу туклар қуруқ ҳавода баргнинг нобуд бўлишига тўсқинлик қиласди. Барг банди қисқа бўлиб, қишида барглари тўкилиб кетмайди, баҳорда бир дона барг ҳосил бўлиб, кейин ўтган йилги барг тўкилади. Гуллари – икки жинсли бўлиб, барг кўлтиғида шингил ҳолда бўлиб, бир рӯвакда 8-32 тагача гул жойлашган. Гултожибарглари 4 та, оталиклари 2 та, оналик тугунчаси битта, апрель ойининг охири, май ойининг бошларида, баъзан майнинг охири июнь ойида гуллайди. Гуллари оқиш, қаймоқсимон рангда бўлиб, ёқимли ҳиди бор. Одатда, гуллар бир йиллик новда ва шохчаларда ҳосил бўлади. Зайтун гуллари икки уйли. Чангланиши учун четдан, ҳашаротларни жалб қиласди. Асалчил ўсимлик ҳисобланади. Гуллари уруғлангандан сўнг, секин тугунчаси катталашади ва бошқа ўсимликларга ўхшаб мева ҳосил қиласди. Зумрад навининг меваси чўзиқ овалсимон бўлиб, етиширилган тупроқ иқлим ва агротехникага қараб, меванинг вазнида ўзгариш бўлиши мумкин. Ўртапишар, ҳосилдор, мевасининг вазни 3,5-4,7 грамм келади, чўзинчоқ бўлиб, узунлиги 1,5-2,0 см келадиган мева бандида жойлашган, йириклиги ўртача, якка ҳолда ривожланади, олдин яшил, пишиб етилгандан сўнг қора – бинафша рангга киради. Меваси мумсимон ғубор билан қопланган. Мевалари яшил пайтида озиқ-овқатда консерва сифатида, пишгандан сўнг мой олишга мўлжалланган.

Қоракўз – Кримдаги Никитский номидаги Ботаника боғида районлаштирилган “Крымская 172” навидан олинган қаламчалар орасидан танлаб олинган ва Фарғона водийси тупроқ иқлим шароитига мослаштирилган.

Илдизлари попук илдиз бўлиб, тупроқда 70-80 см, айрим илдизлари 2,0-2,5 м чуқурликгача кириб боради. Бўйининг баландлиги 6-8 м, қулай шароитда 10-12 метргача етади. Кўпинча, бутага ўхшаб бир неча новдалар ҳосил қиласди

ва ён шохлари кўп бўлади. Бўйининг баландлиги 6-7 м, баргларининг узунлиги 3-4 см, эни 1,0-2,2 см, барги новдада 1,0-1,5 йилгача яшайди. Кўп ён шохлар ҳосил қиласди, гуллари оқиш қаймоқсимон рангда бўлиб, шингил ҳолида жойлашган, гулининг ёқимли хиди бор. Май ойининг бошларида гуллайди, гули 2-4 кун туради, кейин тўкилиб кетади. Чангланишида кўпинча, четдан ҳашаротларни жалб қиласди. Асалчил ўсимлик ҳисобланади. Ушбу навни бир йилда тўрт марта буташ лозим, акс ҳолда, жуда кўп ён шох ёки новда ҳосил қиласди. Буталмаса ҳосил бериши кечикиб кетади.

Ўртапишар, ҳосилдор мевасининг вазни 2,5-5,7 грамм келади, чўзинчоқ бўлиб, узунлиги 1,3-2,0 см келадиган мева бандида жойлашган, йириклиги ўртача, якка ҳолда ривожланади. Олдин яшил, пишиб етилгандан сунг қора-сиёхранг бўлади. Меваси – мумсимон ғубор билан қопланган. Сентябрь ойининг охирида пишиб етилади. Мевалари йўцил пайтида консервага, пишгандан сунг мой олишга мулжалланган.

I ЗАЙТУН КЎЧАТИНИ ЕТИШТИРИШ

Бу ўсимлик уруғларидан, қаламчаларидан, бачкилари ва пайвандлаш йўли билан кўпайтирилади. Экишга ажратилган меваларининг эти ёки мағзи кушларга едирилади ёки сувга ивитиб қўйилиб, кейин уруғи ажратиб олинади. қушлар чўқиб ташлаб кетган мевалардан кўкарган новдалари бақувват бўлиб ўсади.

Илдизлари жуда кўп бачки беради, уларни алоҳида ажратиб кўчатзорларга экилади. Уруғлари тупроққа экилганда жуда кеч униб чиқади. Шунинг учун уларни намли қумларда

әкиб күкартириб, кейин экиш лозим. Новдаларидан 20-25 см қаламчалар тайёрлаб, улар орқали ҳам күпайтирилади. Пайванд қилиш әнг яхши натыжа беради ёки ҳосилга кириш тезлашади, бу вақтда тұртингічи мева беради.

Уругидан күпайтириш. Уруғидан әкилганда униб чиқсан ниҳоллар кейинги йилларда пайвандлаш учун алоҳида жойга әкілади. Экиладиган уруғлар аввал уруғни мева этидан үсишга түсік бұлувчи мойли этдан ва пұстлоғидан тозаланғанидан кейин март ёки сентябрь ойларыда әкілади. Уруғдаги пұстлоғыннан қаттықлығы учун уруққа 4% ли карбонат кальций билан ишлов берилиши мүмкін. Чунки қаттық қобиқлар уруғни тез үсиши учун халақит беради. Уруғларидан униб чиқсан зайдун күчатлари 10-11-йили ҳосил беради.



5-расм. Зайдун күчатини уругидан етиштириш

Қаламчасидан күпайтириш. Ушбу усулнинг бир неча тури бўлиб, улар қўйидагича:

- узун ортиқча шохлар ёки кераксиз новдалардан;
- күчатлар илдизли бўлганда;
- кичкина новда ҳолатида;
- пайвандлаш орқали күпайтириш.

Бундан ташқари яшил қаламчаларидан күпайтириш мүмкін (яъни, янги кесилган, қуриб қолмаган бўлиши лозим).

Барглари яхши турган күчат новдаларидан ўстирилган кўп новдали күчатни экиш тавсия этилади. Ёш күчатлар яхши шароитда экилганининг 3-4-йили мева беришни бошлайди.



6-расм. Зайтун күчатлари

Күчатларни сотиб олишда маҳсус етиштирилган барглари яхши сақланган, илдизлари тупроқ ичидаги бўлган күчат ва новдаларни сотиб олиш афзал. Қуидаги күчатларни экишга тавсия қилинади:

- а)** буйининг баландлиги 70-80 см дан кам бўлмаган күчатлар;
- б)** экиш учун тайёрланган маҳсус қопча сатҳидан 10 см кутарилганида пайванд жойнинг баландлиги 0,5 см дан юқори туриши лозим;
- в)** турли табиий шикастланиш, ҳашаротлар билан зарарланмаган ҳамда касалланмаган бўлиши лозим;
- г)** барглари, бандлари ва шохлари табиий ўсган ва яшил, соғлом ҳолатда бўлиши лозим;

д) экиладиган зайдун навларининг номи ва у ҳақдаги маълумотлар маълум бўлиши лозим.

Биринчидан бақувват кўчатлар

Кўчатга олинадиган новдалар экилишдан олдин 5 дақиқа давомида спиртга ботириб қўйилади. Баҳор ва ёзда ўша баргли новдалар танлаб олинади ва қум ва тупроқ билан тўлдирилган сандиқларга экилади.

Иккинчидан узун новда

Бу усул кам миқдорда қўлланилади, аммо зайдун кўчатлари етиштиришдаги энг осон усуллардан биридир. Бунда дарахт бандларидаги узун шохлар кесилади. Сўнг дарахт ён тарафидаги шохлар кесилиб, 50 см га қисқартирилади. Қаламчалар январь, февраль ёки август ва сентябрь ойларида экилади.



7-расм. Зайдун кўчатлари

Пайвандлаш

Дарахтни ён тарафидан пайвандлаш Бўйининг узунлиги 10-15 см га етадиган зайдуннинг уруғларидан чиққан ниҳоллари танланиб, пластик қопчаларга экиш учун джратиб олинади. Улар кейинги сентябрь ойи давомида иссиқхоналарга олиб борилади. Ниҳол баландлиги қалам бунияга етганда у пайвандлашга тайёр бўлади.

Пайвандлаш ишлари баҳор ёки куз фаслларида (сентябрь) ойларида амалга оширилади. Қуёшнинг юқори широратидан заарланмаслик учун эрта тонгда ёки кечки пайт қуёш ботаётганда амалга оширилади.

Зайдун дарахти шохчалардан 1 йиллик ёки ундан камроқ мақт ўсиб ривожланган новдачалари олинади. Уларнинг диаметри 2 см узунлиги 15-20 см бўлиши лозим, новдалар барглардан тозаланиб, хўлланган (ивитилган) пахтали мато ичида пайвандлаш ишларида тугагунга қадар сақланади.

Пайвандлаш ишларини ўтказиш учун зайдун дарахтининг түпроқ сатҳидан тепароқ жойдаги силлиқ пояси танланади ва у ерда узунлиги 5 см бўлган жойда пўсти шилинади. Узунлиги 5 см бўлган қаламча олинади ва қаламчада бўлган тутун яқинидан кесилади. Сўнг қаламча икки тарафидан учланади (йўнилади). Бунда қаламча пўсти тозаланади. Пайвандтагнинг эса паст томони учланиб, бир см узунликда ериқ ҳосил қилинади. Қаламчани ниҳол танасидаги кичик ериқка эҳтиётлик билан солинади (орасига солинади) ва бунда пайванддустдаги кесилган новданинг эни ва пайвандтагнинг диаметри бир-бирига мувофиқ келиши лозим. Яъни, узун учланган томон ички томонга қисқа учланган эса ташқи жиҳатда бўлиши керак. Пайвандланган жоийи пластик лента билан яхшилаб боғланади. Боғлаш

пастдан тепага тугунга қараб бўлади. Сўнг пайванднинг тепа учи шам билан ўраб қўйилади.

Искана пайвандлаш

Дарахтларнинг ер сатҳидан 5 см тепаликдаги новдалари ўртасидан кесилади ва ўртаси ёрилади. Пайвандуст қаламчалар ниҳолнинг ёрилган жойига киритилиб жойлаштирилади ва яхшилаб ҳаво кирмайдиган қилиб боғланади. Новдалар бирлашган жой совуқ пайвандлаш шам билан қопланади. Бу усул орқали пайвандлаш зайдун кўчатларини ташкил қилишда катта муваффақият келтиради.

■ | ЗАЙТУН БОҒИНИ БАРПО ЭТИШ

Зайдун мутлақо тупроққа талабчан эмас, қумоқ, енгил, унумдорлиги паст тупроқларда ҳам яхши ҳосил беради, оғир, соз ва ер ости сувлари яқин тупроқлар зайдун экишга яроқсиз ҳисобланади.

Зайдун дарахтини бошқа мева дарахтларига мос келмайдиган ерларда ҳам этиштирса бўлади. Кальцийли тузлар таркибида кўп бўлган, унумдорлиги ўртача бўлган ерларда ҳам яхши ўсиши мумкин. Шунингдек, зайдун дарахти намлик тўпланган ва ундаги кислоталик рН нисбати 8,5 дан юқори бўлган ерларда ўстирилиши мумкин, бир нарсани унутмаслик керакки, унумдор тупроқлар зайдун дарахтининг яхши ўсиши ва серҳосил бўлишини таъминлайди.

Шунингдек, зайдун дарахти кўп мева ҳосил қилиши ва ундаги мой миқдорининг юқори бўлиши учун ёзниңг узун, иссиқ, серқуёш бўлишини талаб қиласди.

Зайдун дарахти ташки нокулай шароитларга ўта чидамли

булиб, баъзан танасида озгина пўсти тирик бўлса, шу жойдан нонда ҳосил қилиб мева беради ва ҳамма жойда ўса олувчи тин ҳисобланади.

Зайтун экиладиган майдонлар албатта, экишдан олдин токисланади, юмшатилади, бегона ўллардан тозаланади. Боғ учун мўлжалланган ерлар кузда чуқур шудгор қилинади, кузда ер яхши намиқсин деб тўқсон босди қилиб, яхши намлатиб суғорилади. Ушбу тадбирлар бажарилгандан сунг ўрта баҳорда зайтун экиладиган жойлар белгилаб олинади. Ўрта ер денгизи мамлакатларида, зайтунни суғоришда симгиридан фойдаланадиган ҳудудларда, экишдан олдин ерни токислашлиқка эҳтиёж сезилмайди. Чунки ёмғир узлуксиз оқёнлиги туфайли майдоннинг ҳамма қисми бир хилда нам билан таъминланади. Зайтун боғларида туп орасидаги майдон 8×8 , 6×8 , 6×7 , 6×6 , 6×5 метр бўлиши мумкин.

Зайтунни зич қилиб ҳам экиш мумкин, бунда қатор оралари 3×2 метр бўлади. Ундан 9-10 йилгача маҳсулот олиш мумкин. Сунг қатордаги дараҳтлар енгиллатилади, кар учта ўсимликнинг ўртадагиси олиб ташланади. Бунда албатта, касалланган, табиий заарланган ўсимликлар биринчи навбатда олиб ташланади. Боғ яратилганидан бошлаб экилганига 15-20 йил ичидаги баъзи кучат қаторлари сокин-аста енгиллатилади ва туп сони 6×5 , ёки 6×6 ҳолга келтирилади.



8-расм. Зайтун боги

Күчатларни экишда камида иккита ёки уча нав бирга экилади. Ҳар бир нав алоҳида тўрт қаторга экилади ва яна навбатлашади. Далада фақат бир нав экилганида ўсимликнинг чангланиши юқори даражада бўлмайди, шунинг учун, бошқа бир навни чанглатувчи нав сифатида қўшиб экиш зарур. Чанглатувчи нав экишнинг бир нечта усули бор:

1. Асосий навдан 8 та дарахтни экиб кейин чанглатувчи навдан бир дарахтни ўша қаторга бир муддатда бирга экилади (Бу ерда доимо навларнинг гуллаш вақтларини эътиборга олган ҳолда навлар танланади).

2. Асосий навга оид кўчатлар 4 қатор экилади. Сўнгра чанглатувчи навдан бир қатор экилади. Сўнг 8 қатор асосий зайтун нави кейин бир қатор чанглатувчи нав дарахти экилади ва ҳ. к.

3. Чанглатувчи нав плантациялари катта бўлса, 12 қатор асосий навдан кейин 3 қаторли қилиб экилади.

Экиш чуқурчалари энiga 50 см, чуқури 60 см қилиб

тәнерланади, күчат экишдан олдин ҳар бир чуқурчага 1-2 идиш
бетона үтлар уруғларидан бұлмаган яхши чиритилгандың маңаллий
өзиттесін солинади. Сүнгра куйидаги минерал үғитлар
шыллади. 1 кг супер фосфат, сульфат калий 1 кг ёки экишдан
олдин чуқурларга бир ош қошиқ аммиак селитрасини бир литр
суда өритиб солинади.

Кимёвий үғитлар қуруқ ҳолида берилгандың тупроқ билан
сирга яхшилаб аралаштириллади. Бу нарса одатта күчатларни
кишіден 1-2 ой аввал амалға ошириллади. Суюқ ҳолда берилгандың
үргидан-түгри экишдан олдин бажариллади. Чуқурчалар
кишіден илгари бир неча бор сув күйилиб яхшилаб намға
нинтириллади. Имкон борича маңаллий үғитларни тупроққа
солиш лозим.

Күчатларни экиш 1. Күчатлар сентябрь ва октябрь
бендеридан кейин мартнинг бошидан майнинг охирига қадар
жиллади. Экишдан олдин күчат илдизларининг муносиб
баландлықта булишига риоя қилинади. Күчатнинг илдизи ҳар
кандай бегона үтлар ёки касаллардан холи соғлом тупроқда
15 см баландлықта жойлашган бўлади. Чуқурлар күчат экишдан
1 кун олдин суфорилмайди.



9-расм. Зайтун күчатини экиш

2. Күчатлар пластик қопчаларда олинади. Шундагина

уларнинг илдизлари заарланмайди. Кўчатларни экишда чиқланишига шароит яратиб бериш зарур. Ҳосил берувчи қопча таги билан мутлақ олиб ташланади. Кўчат ўралган шохлар бир йиллик новдалар ҳисобланади, шунинг учун қопча чукурчага қўйилганда, бунда қопчанинг тепа қисми чиқиши керак деб барча шохни баравар кесиб ташламаслик тупроқнинг юқори қисмига тенг бўлади.

Чукур кавлаб олинган ўз тупроғи билан кўмиси тўлғазилади. Баъзан қопчани чукурга тупроқ ташлангандан сўнг ҳам олиш мумкин, барча эътибор шунда бўладики, кўча

илдизидаги тупроқ сочилиб кетмаслиги керак. Сўнг қопча тортиб олинади ва чукурдаги бўш жойларни тўлдириш учун чукур атрофи яхшилаб босилади.

Кўчат экиб бўлинганидан сўнг у суғорилади. Суғориш секин-аста камайтирилади. Кўчат экилган кундан бошлаб бир йил давомида дараҳтлар сувсиз қолдирилмайди. Яъни, унинг сувга эҳтиёжи қондирилади.

■ | БУТАШ


Дараҳтларни буташ дараҳт мевалари ва баргларига таъсир қилувчи муҳим ишлардан ҳисобланади. Янги дараҳтларни парваришлиш ҳамда буташ дараҳтнинг чиройли ва бақувват кўринишга эга бўлиши учун қилинади. Ёки дараҳт етиштиришда мунтазам равишда дараҳтнинг ўсишини тўғри таъминлаш учун ёки яхши ҳосил бериши, йил давомида бақувват ўсиши, қишки совуқларга чидамлилиги ошиши учун буташ фойдалидир. Зайтуннинг заиф, кучсиз ва мева бермайдиган шохларини кесиб ташлаш учун буташ агротехник тадбири амалга оширилади.

Бир йил давомида зайтунга тўғри шакл бериш ишлари бир неча марта тажрибали мутахассис томонидан бажарилади. Буташ жараёнда ҳосил берадиган шохларни кесиб ташламай, уларни бутун ёз давомида яхши

чиқланишига шароит яратиб бериш зарур. Ҳосил берувчи қопча таги билан мутлақ олиб ташланади, шунинг учун қопча чукурчага қўйилганда, бунда қопчанинг тепа қисми чиқиши керак деб барча шохни баравар кесиб ташламаслик тупроқнинг юқори қисмига тенг бўлади. Шунингдек, зайтун шохларини қачон буташни ҳам чиқиши керак, борди-ю тўғри буталмаса, у кўп шохлайди ва шохларни чалкашиб кетади.

Ёзги биринчи буташ Зайтун дараҳти кўчатлари ишлганинг биринчи ёзида ундан кўп миқдорда новдалар усади, бир туп ўсимлик 12-14 тагача ён шох ҳосил қиласди. Унда ҳатто асосий новдани танлаб қолдирмаса, баъзи шохларда ҳамма новдалар бараварига ўсади. Шакл бериш олини буташ бажарилиши лозим бўлган агротехник тадбирлардан бири ҳисобланади. Новдалар бўйи 16-20 см тарзиганда улардан 6-8 дона яхши ўсгани танлаб олинади ва бошқа новдаларнинг кувватини сақлаб қолиш мақсадида кўлдирилган новдаларнинг бақувват ва кучли ўсишига имкон туғилади.

Зайтун кўчатларини далага ўтқазилган биринчи ишлнинг ўзидаётк биринчи ва иккинчи тартиб ён шохлари пайдо булади. Ён шохларнинг купайиб кетиши асосий ишлнинг ўсиши сустлашига олиб келади, шунга қараб ҳосил шохларнинг шаклланиши ҳам кечикиб боради.



10-расм. Зайтун дарахтини ўстириш усули
Қишки биринчи буташ

Кузда сентябрь ойининг охирларига келиб олдинги қолдирилган новдалардан тахминан 4 та яхши ўсгани танлаб олинади. Икки новда ўртасидаги масофа 15 см дан кам бўлмаслиги керак. Сўнг узунлиги 35-45 см га қисқартирилиб, қолган новдалар кесилади. Зайтун қишига кетишдан олдин яхши шакл берилса, қолдирилган новдалар ўз хужайраларида озиқа моддаларнинг захирасини кераклича тўплаб олишга эришади. Зайтун баргларини ташламагани билан, маълум миқдорда ўсимликда тиним даври кузатилади.

Ёзги иккинчи буташ

Узун шохлар ҳосил бўлиши билан олиб ташланади. Бунда ишнинг ҳажми бир оз енгил бўлади, тажрибали бирон мутахассис зайдун экилган майдонларни қўлига қайчи олиб, ҳамма дарахтларни бирма-бир кўздан кечиради. Маълумки, узун шохлар ҳосил берувчи шох эмас, улар ўсимликнинг бор қувватини бекорга олиб ўсувицидир. Демак, бу тадбирни ҳам албатта, ўз вақтида бажариш лозим, чунки келгуси йилнинг ҳосили ана шу тадбирларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Қишки иккинчи буташ

Бунда асосий новдалардан ҳосил бўлган иккинчи тартиб майда шохчалар дараҳтнинг асосий куринишини шакллантириш мақсадида кесиб ташланади. Яъни икки томондаги кучли ҳосил новдалар қолдирилади. Тажрибали мутахассис ҳосил новда билан узун ўсувчи эркак новдани фарқлай олиши керак. Бу тадбир ноябрь ойининг охириларида ўтказилади.

Ёзги учинчи буташ

Дараҳт чўққисидаги новдаларни қирқиб ташланади, бу тадбирни бажаришдан мақсад, зайдун баланд бўлиб бўйига ўсиб, керакмас новдалар кўпайиб кетганида бўлса амалга оширилади.

Ҳосилли дараҳтларни буташ

Ушбу агротехник тадбирлар ёз ойларида қуёш нури дараҳт ораларига яхши тушиши учун мевали дараҳтлар буталанади. Новдалар зич бўлганда қуёш нури ётишмаганилигидан мевалар етилмай, майда бўлиб қолади. Новдалар ва меваларни қуёш урмаслиги учун улар орасини кенг очиб ташламаслик зарур, йирик дараҳтлар эҳтиётлик билан буталанади.

Шунингдек, қуриб қолган, касалланган, бир-бирига тичлашиб кетган шох ва новдалар кесиб қисқартирилади, узун ўсан шохлар узунроқ қилиб кесилади. Бу дараҳт меваларини яхши тутиши, яхши сифатли меваларни кўп бериши, меваларни осонлик билан узишда ва касаллик на ҳашаротларга қарши курашишда ёрдам беради. Қуёш нуридан яхши тўйинган зайдун меваларининг вазни йирик бўлиб, ҳосилдорлиги ошади, шу билан бирга мева таркибида мой миқдори кўпаяди.



11-расм. Ҳосилли зайдун дарахти

Ёшартириш учун буташ.

Бу тадбир кам мева берадиган 100-120 ёшга етган катта дарахтларда амалга оширилади. Зайдун дарахтининг новдалари қуидаги йўллар билан янгиланади:

- 1.5 метрдан узун бўлган асосий шохларни кесиб ташлаш.
2. Ер сатҳи билан тенг бўлган дарахтларни кесиб ташлаш.
3. Тупроқ устидан 70 см баландликда бўлган шохларни кесиб ташлаш (бу ишларни амалга оширганда томирлардан бирини янгилаш мақсадида кесиб ташланади).

Ёши катта дарахтларда ушбу тадбирларни амалга оширишдан мақсад, ҳосил берадиган янги ҳосил шохлар олишга эришишдир. Узоқ умр қўрадиган қўпгина дарахтларда онтогенез давомида ушбу тадбирни бир неча марта ўтказиш мумкин.

ЎҒИТЛАШ

Зайдун экилган далага ўғит беришдан олдин ўсимликнинг ўшиш даврида талаб қиласидиган минерал ва органик ўғитларга бўлган эҳтиёжини билиш ҳамда ривожланиш босқичининг қўйиси даврида ўғитга бўлган талабининг қанчаликни таҳлил қилиш тавсия этилади. Зайдун дарахтларининг минерал ва органик ўғитларга бўлган талаби, албатта, босқичларга қараб ўзгаришини ва уларни солиш муддатини мувофиқлаштиришни билиш лозим бўлади.

Зайдун дарахтларига макро ўғитлардан азотли, фосфорли ва калийли, микроўғитлардан магний ва монибден берилиши лозим. Органик ва минерал ўғитларни шитун майдонларига биргаликда қўшиб бериш, сифатли шароитларига кўра зайдун дарахтлари ўсиш даврида тупроқ-икълим шароитидаги нокулайликларга нисбатан бардошли бўлади.

Бериладиган ҳар бир кг азотли ўғит микдори дарахт ёши, мажми ва маҳсулот микдорига қараб турли хилдир. Лекин бир ишлда бериладиган нитрат аммиак микдори гектар бошига 80 кг дан ошмаслигига риоя қилиш керак.

Минерал ўғитларни далага солиш муддати. Органик ўғитни кимёвий ўғитлардан фосфорни куз фаслида дарахтларни даги маҳсус қазилган чукурларга солинади. Минерал ўғитлар солинадиган чукурларни ҳар йили ўзгаришига олиб олиб қилинади. Зайдун экилган чукурларга ўғит солишнинг иложи йўқлигидан ёнидан чукур кавлаб, ўғит

беришга ўрганиш мумкин. Минерал ва маҳаллий ўғитлар қиши фасли давомида чуқурларга солиб турилади.

Суперфосфат ва калий сульфати ўрта ҳисобда йилига бир дараҳтга 1 кг дан февраль ойида солинади.

Азотли ўғитлардан аммиак нитрати кучсиз унумдорлиги паст ва таркибида калий кўп бўлган майдонларда ва янги ўзлаштирилган ерларда ишлатилади. Биринчи марта азотли ўғитлар март ойида 2 баравар миқдорда берилади. Иккинчи марта эса июнь ойларида бериш лозим.

Азотли ўғитлар миқдорини март ойидан бошлаб июнга қадар қўпайтириб борилади. Сўнг эса секин-аста камайтирилади. Сентябрь ойида ўғит бериш тамоман тўхтатилади. Чунки қиши фасли бошланишдан олдин новдалар ўсишдан тўхташи лозим. Белгиланган минерал ва маҳаллий ўғит миқдори январь ойидан бошлаб ойига бир марта (таксиминан) солинади ва ҳатто сентябрь ойида ҳам ёки жанубий худудларда октябрда ҳам бериш мумкин.

Фосфорли ўғитлар: Февраль ойидан бошлаб июнь ойигача зайдун дараҳтлари ушбу ўғитга талабчан бўлади. Ўсимлик талаб қилган фосфорли ўғитнинг 80 % шу ойларда берив борилади ва қолган қисми ёки кам миқдори 20 % июлда берилиб, сўнг тўхтатилади.

Калийли ўғитларни эса июндан то сентябрь ойигача берив борилади, бу ўғит дараҳт илдизларининг кучли ва меваларининг кўп бўлиши учун солинади. Кўпинча боғонлар калийли ўғитларга кам эътибор беришади, аммо бу ўғитни ҳам ўз вақтида берив бориш фақат ҳосилдорликни оширади. Демак, ҳар бир минерал ва органик ўғитлардан ўз вақтида билиб фойдаланиш мақсадга мувофиқдир ёки юқори ҳосил олишга имкон беради.

Зайдун экилган далаларга минерал ва органик ўғитлар ўз

вактида бериб борилмаса, кўп новдаларнинг ҳосил қилиши барг ҳажмининг кичиклашувига, барг тепа қисмининг туриши ва рангги тўқ сариқ тусга киришига, меваларнинг шакли үзгаришига ҳамда қўпинча кичрайиб, ҳосилни тигишдан олдин меваларнинг тушиб кетишига олиб келади.

I СУГОРИШ

Зайтун ўсимлиги кўп ўсимликларга қараганда юқори дарражада қурғоқчиликка чидамлилиги билан бошқа ўсимликлардан ажралиб туради. Зайтун сувни тежаб фойдаланадиган экинлар турига киради. Қурғоқчил, сув танқис ҳолатда ҳам у ўсиб ривожланади, аммо берадиган маҳсулоти иокулав шароитларда камаяди. Зайтуннинг ўсиб ривожланиши ким сустлашади, ҳосил бўладиган ён шохлар, новдалар, барглар они камайиб кетади. Ушбу ҳолатлар юз бермаслиги учун доимо зайтун экилган майдонлар ўсиш даврида тўлиқ сувга қониши учун суғориш ишларга эътибор бериш лозим. Ҳар бир ўсимлик каби зайтун ҳам ривожланиш фазасининг маълум даврларида гина сувга талабчан бўлади, ана шу даврлардагина ўсимликни сув билан таъминлаш лозим. Зайтуннинг кўп сув талаб қиласиган даврлари қуйидагилардир:

- гул шингилларини ҳосил қилиши ва гуллари очиладиган ойлар давомида;
- мева тузиши ва мева шаклланиши жараёнида;
- ёз ойлари давомида.

Бунда парланиш даражаси ёки транспирация жараёни кучли ва дарахтларнинг сув талаб қилиши, айниқса, ёш дарахтларда юқори даражада бўлади.

Дарахтларни гуллаш вактида суғориш тавсия этилмайди.

Зайтун дарахтларини суғориш учун зарур бўлган сув миқдори таҳминан бир гектарга ўртача $5000\text{-}6000\text{ м}^3$, йилига 10-12 суғориш амалга оширилади.

Боғда томчилиб суғориш тизими олиб борилганда 1 гектар майдон учун керакли сув миқдори камаяди ва 1 гектар учун $2500\text{-}3000\text{ м}^3$ миқдорида сув билан суғорилиши керак бўлади.

Суғоришда ёмғир сувларидан фойдаланилган ҳолатларда дарахтлар атрофида сувни тўплаш ва дарахтни суғориш учун ҳовузлар қилиниш орқали сув тўплашга эришилади. Ҳозирги кундаги сув таңқислигини эътиборга олиб, ҳар бир томчи сувдан зайдун ёки бошқа бир дарахт турларини суғоришда фойдаланиш лозим. Махсус ҳовузлар орқали сув тўплаш ишлари олиб борилса, сув сарфининг камайишига олиб келади.

Суғорадиган сувлар нисбатан шўр бўлган ҳолда зайдун дарахти шўрга чидамли, кальций карбонатли ва сульфатли шўрланишга бардош беради. Дарахтларнинг ўртача ўсиши ва ҳосил бериши суғориладиган сувларда шўр тузларнинг белгиланган миқдордан ошишига қараб камаяди. Шўрланган тупроқларда ёмғир ёғаётганда суғориш энг яхши агротехник тадбирлардан ҳисобланади, ушбу тавсияни бошқа экинларда ҳам синааб куриш мумкин. Бу тадбир тупроқдаги мавжуд тузларнинг ўсимлик илдизлари жойлашган горизонтларга тарқалиб кетмаслиги учун амалга оширилади.

КАСАЛЛИК ВА ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ ҚУРАШ

Касаллик ва зараркунан- далар	Белгилари Мева пўсти хашаротлари Олма новда- ларини зарар- ловчи касал- ликлар	Касаллик олдини олиш ва даволаш Яшил мева устида тўқ қирмизи (оч қизил) рангли доғлар пайдо бўлади ва у мойнинг кам бўли- шига ва ўсуви ёш новдалар- ниң зарарланишига олиб ке- лади. Энг муҳими: зайдун пўсти хашароти ва қора мумга ўхаша- дир Шоҳ ва новдаларда дараҳтнинг затифлашуви ва қуриб қолишига олиб келади	Кишининг февраль ойида дараҳтлар буталтани- дан сўнг тўғридан-тўғри минерал мойлар сепи- лади Ёз ойлари давомида ионъ ойининг ярми- дан бошлаб зайдун дараҳтини шира босади, шунда - бензофосфат 3-3, децис 0,4 каратэ 0,5, циперметрин 0,2, моспилан 0,15 кг карбофос 0,6 ва кимёвий моддалар сепилади. Ушбу кимёвий моддалар зайдун барги куртлари, мева пўсти ва пахта хашаротларига қарши курашишнинг энг яхши усулидир. Дорилаш мева йигимидан бир ой аввал тўхтатилади
--	---	--	---

Зайтун мевасини зарарловчи пашша	Урғочи пашша мевада кичик тешиклар ҳосил қилиб, унга тухум қўяди ва мевада буғдои рангли доф пайдо бўлади. Курт меваларда тешикча ҳосил қиласи ва бу меванинг чириши ва тушиб кетишига олиб келади	Мевалар пишиб етила бошлаган даврда июннинг биринчи ҳафтаси давомида дорилар сепилади. Сўнг 21 кундан сўнг бошқатдан сепилади. Жанубда эса сентябрь ойининг биринчи ҳафтасида сепиш бошланади сўнг 21 кундан кейин яна такрорланади
Зайтуннинг пахтасимон ҳашароти	Бу ҳашарот барглар, новдалар ва чириган шохларни нобуд қиласи. Ҳашарот танасини пахтага ўхшаш момиқ нарса қоплаган. Бу ҳашарот ўсимликларнинг бъязи жойларида қора чириш замбуруғи ривожланиши учун ўзидан асалга ўхшаш модда чиқарди	Бу касаллик кузатилса, дараҳт яхшилаб буталади. Сўнг февраль ой давомида ҳашаротларга қарши моддалар кўпроқ сепилади. Яхши буталади ва шикастланган шохлар ёқилади. Декабръ-январь ойларида яна бир бор қуидаги минерал ёғлар яхшилаб сепилади. Ёзги дори сепиш ҳам бўлиб, у юль, август ва сентябрь ойлари давомида сепилади
Зайтун яшил барги курти	Куртнинг рангги яшил, узунлиги 2,0-2,5 см бўлиб, сарик тук билан қопланган. Янги чиқсан барглар ва ўсимликларни ейди. У меваларга ҳам заарар етказиши мумкин. Мевалар йиғиб бўлинганидан сўнг турли хил ҳашаротларни йўқ қилиш учун боф яхшилаб сув билан тиндирилади	Дори сепиш июннинг ярмидан бошлаб ёз ойлари давомида тутатилади. Бу даволаш усули пахта курти, пўстлоқ ҳашаротлари ва зайтун барги куртидан кутилишда фойда беради. Тўкилган ва заарланган меваларни 0,5 м чукур қазиб ерга кўмилади. Мева теримидан сўнг ҳашаротлар яна пайдо бўлмаслиги учун боқقا бостириб сув сепиб, усти кўмилади (Юқорида келтирилган мой ва кимёвий моддалар ишлатилади)

Зайтун лоғи кўнғизи	пўст-гўнг	Қора рангли ҳашарот ўзи тешган дараҳт новдалари ва пўстлоқлари орасида яшайди. Заарланиш белгилари: шох ва новдаларда кичик доира шаклидаги тешиклар пайдо бўлади	Яхшилаб буталади. Зайтун пўстлоғи юнғизини йўқотишнинг энг муҳим усули, бу ҳашарот пайдо бўлганда уни тез териб йўқ қилишдир. Октябрь ойидан бошлаб 3 ҳафта давомида заарланган дараҳтларга 3 мартадан дори сепилади
Баргларда доф ҳосил қилиувчи касалликлар		Мевада қорамтири ёки (кулранг) рангли қора думалоқ дофлар пайдо бўлади. У кўп суғориш ва азотли ўғитларнинг ортиқча солинишидан кўпаяди	Темир кукуни ва Бордо суюқлигининг 3-5% эритмаси 2 марта сепилади: Биринчиси ноябрнинг охирида, иккинчиси дараҳтлар буталганидан сўнг. Дараҳтнинг бош ва асосий шох ва новдаларига мўл қилиб сепилади. 1-3% ли мис купоросини ҳам сепиш яхши натижа беради. Юқоридаги аралашмалардан бири олиниб ноябрь, декабръ ва январь ойларида 3 марта сепилади

■ | ЗАЙТУН МЕВАСИННИ ТЕРИБ ОЛИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ

Зайтун мевасини яшил ҳолда тузлаш учун мева ҳажми катталашып, рангги түқ яшилдан оч яшилга айланғанида ёки мевалар ранг олишидан аввал узилади. Меваларни маҳсус кутиларга териб йиғиб олинади. Кутиларни охиригача тұлдирилмайды, бунга сабаб зайдун мевалари эзилиб сифатсиз бўлиб қолиши мумкин.

Зайдун меваларини қора ранг олганида унга бирор нарса қўшиб хушхур ва хуштаъм қилиш учун ёки тұла қора рангга кирганида ундан мой олиш учун узилади. Шу сабабли мой олишга мўлжалланган мевалар тўлиқ пишиб қора ранг олгунинга қадар дараҳтларда қолдирилади, яъни узилмайды.



12-расм. Зайдун ҳосилини маҳсус мосламада териб олиш

Зайдун мевасининг тўлиқ пишиб етилганини бир мева донасини қўлга олиб сиқиб қўриш орқали ҳам билиш мумкин. Агар сиқилганида қўлда мой доначалари кўринса бу меванинг тўлиқ пишганлигига далолат қиласи ва энди

меваларни мой олиш учун териб олиш мумкин.


Зайтун меваларини териб олишнинг бир неча усуллари мавжуд:

- кўлда териб олиш;
- машинада териб олиш;
- таёқ билан қоқиб териб олиш;
- маҳсус мосламалар билан териб олиш.



13-расм. Зайтун ҳосилини кенг тишли тахта мароқ билан териб олиш

Меваларни териш учун кенг тишли тахта мароқ билан бирга дараҳт тагига чутка қўйилади. Сунг уни дараҳт шохларидан ўтказилади ва мевалар туширилиб тўпланади.



14-расм. Зайтун мевалари

Ёки дарахт ва мевалар сифатини сақлаш учун эҳтиёт қилиб қўлда терилади. Бу иш қўшимча харажатлар талаб қиласа ҳам.

Мевалар териб бўлинганидан сўнг уни тұғридан-тұғри мой чиқариш учун олиб борилмайди, балки зайдун мойини яхши ажратиб олиш учун мевалар 4-6% туз эритмасига солиб қўйилади. Ушбу тадбир қўлланилганда зайдун этида мой қолмайди, прессланганда тўлиқ ажралиб чиқади.

Мевалари октябрда пишиб етилади. Зайдун дарахтида шу нарса диққатга сазоворки, мевалар ўзи пишиб тушганда, улар таркибида мой миқдори энг юқори бўлади. Пишган меваларда мой 50-80%, хом меваларда 25-40% бўлади.

Зайдун мевалари яхши пишганда уларда мой миқдори ошади, шунинг учун уларни йиғишириб олишга шошмаслик керак.



15-расм. Зайтун мойи

Зайтун меваларини сиқиш (пресслаш) йўли билан мой олинади ва биринчи олинган мойлар энг яхши мой ҳисобланади, бу мой медицинада, парфюмерияда ва озиқ-овқатда ишлатилади. Кунжарасидан иккинчи марта сиқиш йўли билан олинган мойлар иккинчи нав ҳисобланиб, озиқ-овқат саноатида фойдаланилади. Маълумки, иккинчи прессдан сўнг кунжарарада яна 10-15% мой қолади. Бу мойни ажратиб олиб техник мақсадларда совун, олиф, бўёқ олишда ишлатилади. Шунингдек, зайтун мевалари тузланиб, маринадлаб фойдаланилади, бунинг учун консервалашда хом ёки тўлик пишган мевалар олинади, таркибидаги ишқор кетгунча содали сувга солинади ва ҳар 4-5 кунда суви алмаштириб турилади. Мевалар яхши тўйингандада тузли сувга солиб, бочкаларга бостирилади. Маринадлашда хом мевалар ишлатилади.

■ | Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПФ-5388-сон. Фармони. – Тошкент, 2018 йил 29 март.
2. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-4246-сон. қарори. – Тошкент, 2019 йил 20 март.
3. Туркия Республикаси “Озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги вазирлиги” ҳамда “Denizbank” ҳамкорлигига тайёрланган “100 та китоб”дан иборат тўплами.
4. Мирзиёев Ш. “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжаллаган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-4575-сон қарори. – Тошкент, 2020 йил 28 январь.
5. Бўриев Х.Ч, Байметов К.И. Абдиқаюмов З.А. Мева экинлари селекцияси ва навшунослигидан амалий машғулотлар. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2004. – б 66-72.
6. Ёрматова Д., Хушвақтова Х., Юлдашева Х. Ўзбекистон зайдуни. Тошкент 2016, – б 5-50.
7. Останакулов Т.Э., Исламов С.Я, Хонкулов Х.Х., Санаев С.Т., Холмирзаев Д.К. “Мевачилик ва сабзавотчилик”. С., 2011. б-232-250.
8. Останакулов Т.Э., Нарзиева С., Ғуломов Б.Х. “Мевачилик асослари”. С., 2011. – б 152-155.

9. Ражаметов Ш., Нормуратов И., Адилов Х., Жанакова Д. Мева, резавор мева ва ток кўчатзорларини ташкил этиш. Тошкент: "Baktria press", 2018.-б 11-80.

10. Рибаков А.А., Остроухова С.А. Ўзбекистон мевачилиги. Г., «Ўқитувчи», 1981.- б 4-100.

11. Хасанов Б.А., Очилов Р.О., Холмуродов Э.А., Гулмуродов Р.А. Мевали ва ёнғоқ мевали дарахтлар, цитрус, резавор мевали буталар ҳамда ток касалликлари ва уларга қарши кураш. – Тошкент: 2010. – б. 182-205.

12. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ ҳўжалик экинлари Давлат реестри. Тошкент 2019.

Интернет сайтлари

www.gov.uz.

www.lex.uz.

<http://www.asprus>

<http://www.chrab.chel.su>

<https://sad-i-ogorod.ru/catalog/yabloni.html>

42.8
3 22

Зайтун етишириш [Матн] : илмий нашр / «Агробанк» АТБ.-
Тошкент: "ТАСВИР" нашриёт уйи, 2021. - 48 б.

ISBN 978-9943-7171-8-3

УЎК 634.63
КБК 42.8

**Лойиха ғояси муаллифи ва ташкилотчиси
“Агробанк” АТБ**

100 китоб түплами

ЗАЙТУН ЕТИШТИРИШ

62-китоб

Таржимонлар:

Тошкент давлат шарқшунослик университети
“Таржима ва тил маркази” таржимонлар гурӯҳи

Муҳаррир-мусаҳҳих:

Г. Чоршаниева

Компьютерда тайёрловчилар:

З.Б. Хошимов, Н.С. Сайидаҳмадов

Дизайнер:

Д. Иванов

Нашриёт тасдиқномаси: № 7404, 02.02.2021

Босишга 12.07.2021 да рухсат этилди. Бичими 60x84 1/₁₆
Fira Sans гарнитураси. Офсет босма усулида чоп этилди.
Адади 10.000 нусха. Буюртма рақами: 2259

Нашриёт уйи “Тасвир”

Тошкент – 2021

“Colorpack” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳар, Янги шаҳар кӯчаси, 1А.

AGROBANK

 www.agrobank.uz

 1216

 @agrobankchannel

 /agrobankuzbekistan

**Қўлланмадан тижорат йўлида фойдаланиш
қатъиян тақиқланади**

ISBN 978-9943-7171-8-3



9 789943 717183